

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХУДУДЛАРАРО СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

И.ф.д. Нормурзаев Умид Холмурзаевич  
Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция  
ORCID: 0009-0001-0130-8766

**Аннотация.** Мазкур мақолада мамлакатда солиқ соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қуладай шарт-шароитлар яратиш, бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотларни такомиллаштиришда ҳудудлараро солиқ инспекциясини ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон солиқ тизимида ҳудудлараро солиқ инспекцияси амалга оширилаётган айрим муҳим ислоҳотлар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** солиқ сиёсати, солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усууллар ва воситалар, ҳудудлараро солиқ инспекцияси, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МЕЖТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ НАЛОГОВОЙ ИНСПЕКЦИИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Д.э.н. Нормурзаев Умид Холмурзаевич  
Инспекция по крупным налогоплательщикам

**Аннотация.** В данной статье описаны роль и значение межрегиональной налоговой инспекции в совершенствовании масштабных реформ, направленных на создание благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в налоговых сферах в стране, дальнейшее укрепление доверия деловых кругов. При этом были изучены некоторые важные реформы, реализуемые межрегиональной налоговой инспекцией в налоговой системе Узбекистана, а также разработаны научно-практические выводы и предложения на основе зарубежного опыта и его применения в нашей стране.

**Ключевые слова:** налоговая политика, налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, межрегиональная налоговая инспекция, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

## THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE INTERTERRITORIAL TAX INSPECTION IN IMPROVING TAX POLICY IN UZBEKISTAN

DSc Normurzaev Umid Kholmurzaevich  
Inspectorate for Large Taxpayers

**Abstract.** This article describes the role and importance of the interregional tax inspectorate in improving large-scale reforms aimed at creating favorable conditions for doing business in the tax sphere in the country and further strengthening the confidence of the business community. At the same time, some important reforms implemented by the interregional tax inspectorate in the tax system of Uzbekistan were studied, and scientific and practical conclusions and proposals were developed based on foreign experience and its application in our country.

**Key words:** tax policy, tax revenues, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, interregional tax inspectorate, analysis, optimization, tax benefits, tax rate.

### **Кириш.**

Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон солиқ тизимида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар кўпинча иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва давлат функциялари учун етарли даромад йиғилишини таъминлайдиган янада самарали, шаффоф ва адолатли солиқ тузилмасини яратиш зарурати билан боғлиқ. Солиқ тизимидағи ислоҳотлар мамлакатнинг иқтисодий манзарасини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бундан ташқари, жаҳон амалиётида йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, йирик солиқ тўловчилар фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш, йирик солиқ тўловчиларга аудит ва солиқ назоратини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини тўлиқ бажариш, назорат функцияларини тармоқлар бўйича тузилмалаш, қоидаларга биргаликда риоя этиш тамойилини амалга ошириш, солиқ тўлашдан бўйин товлашни тўхтатишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш масалаларининг долзарблиги уларнинг етарлича назарий ва норматив жиҳатдан ўрганилмаганлиги ва замонавий иқтисодий шароитда юқори амалий аҳамияти бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Федоров (2010) фикрича, “маъмурий юкни камайтирадиган ва йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантирадиган солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этган, амалдаги солиқ имтиёзларини сезиларли даражада кенгайтирадиган ва тўлдирадиган ҳамда ўз инвестиция манбаларини кўпайтирадиган йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаолиятини солиқ орқали рағбатлантириш усуслари ва услубларини ишлаб чиқсан, уларнинг самарадорлигини баҳолаган”.

Камалнев (2009) йирик солиқ тўловчиларнинг фаолиятини солиқса тортиш амалиётини бевосита газ тармоғи корхоналари мисолида таҳлил қилган бўлиб, йирик солиқ тўловчиларининг солиқ маъмуриятчилиги натижаларига баҳо берган, минтақалараро солиқ хизмати органларининг назорат фаолияти ҳам миқдорий ҳам сифат кўрсаткичлари асосида таҳлил қилган”.

В.Г.Байбородина “солиқ ислоҳотлари – солиқ тизимини кенг кўламли қайта қуриш ва уни бошқариш механизмини ўзгартириш асосида солиқ муносабатларининг чекланган ёки тубдан ўзгариши сифатида” таърифлайди (Кенэ, 1993).

Майбуров (2007) “солиқ ислоҳоти солиқ тизимини тубдан ўзгартиришни давлат солиқ сиёсатининг янги мазмунига мослаштириш” деб таъкидлайди.

Юнак (2009) йирик солиқ тўловчилар тушунчаси моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилиб, унга қуйидагича таъриф беради: “йирик солиқ тўловчилар - бу қонуний белгиланган мезонларга: субъектга тааллуқли бўлган амалга оширилаётган фаолият тури, иқтисодиётнинг тармоғи, фаолиятнинг молиявий кўрсаткичлари, шахслар гуруҳларидағи иштироки, банд бўлган ходимларнинг сони ва бошқа маълумотларга жавоб берадиган солиқ тўловчиларнинг юридик ва жисмоний шахслар, резидентлари ва норезидентлари, қонуний равишда алоҳида шахсларнинг маҳсус тоифасидир.

Дементьев (1689) солиқ сиёсатини давлат иқтисодий сиёсатининг инъикоси эканлигини, у мустақил аҳамиятга эгалиги ва солиқларнинг илмий назариясига асосланиши лозимлигини таъкидлайди. “Амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг натижалари кўп жиҳатдан давлат ўз иқтисодий сиёсатига қандай тузатишлар киритишга мажбур эканлигини, солиқ тизимини қандай қуриш кераклигини белгилайди”.

Карп (2001) солиқ сиёсати давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги умумий молиявий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, солиқ соҳасидаги давлат

фаолияти концепцияси, солиқ механизми, солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Ситникованинг (2012) фикрича, “консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳига киритишда активларини тан олиш ёки маҳсус қайта баҳолаш зарур, гуруҳга киришдан олдин корхонанинг заарларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқилиши лозим, консолидациялашган солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолиятининг бир хил қийматга эга бўлган субъект сифатида халқаро эътироф этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим”.

Дарькина (2019) йирик солиқ тўловчиларнинг хусусиятлари сифатида тўхталиб, “йирик солиқ тўловчиларга қуйидаги хусусиятлар хосдир: катта пул оқими, кенг кўламли хужжатлар айланмаси, соддалаштирилган тизим бўйича солиққа тортиладиган турли таркибий бўлинмаларнинг интеграциясидан фойдаланиш, мамлакат ичида ҳам, чет элда ҳам турли фирмалар билан ҳамкорлик мавжудлиги”.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Бугунги кунда солиқ ислоҳотларини янада такомиллаштириш бўйича бир қанча ҳудудлараро солиқ инспекциялар очиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, ушбу инспекцияларни (Бюджет ташкилотлари бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси, Солиқ қарзини ундириш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси) очиш учун уларни низомини ишлаб чиқиш керак бўлади. Масалан, Бюджет ташкилотлари бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси тўғрисида Низомга таклиф.

Ушбу Бюджет ташкилотлари бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаш. Инспекция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солиқ қўмитасининг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланади ва бевосита Кўмита раисига бўйсунади. Инспекция жойлашган жойи ва амалга ошираётган фаолиятидан қатъий назар, бюджет ташкилотларининг солиқ маъмурятилигини амалга ошириш вазифаси юклатиш мақсадга мувофиқ.

#### *Инспекциянинг асосий вазифалари ва функцияларига:*

##### **1.Куйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:**

Бюджет ташкилотлар ҳисобини ташкил этиш ва улардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқлар ва йиғимларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш;

Бюджет ташкилотларни фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича солиқ назоратини ташкил этиш;

Бюджет ташкилотларнинг солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириш;

Бюджет ташкилотларини солиқ тўловчилар маъмурятилиги доирасида солиққа оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

Бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобвақларини марказлашган ҳолда Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларга мувофиқ юритилишини таъминлаш.

**2. Инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:**

а) Бюджет ташкилотлар ҳисобини ташкил этиш ва улардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқлар ва йиғимларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш соҳасида:

Бюджет ташкилотларига улар Инспекция солиқ тўловчилар жумласига киритилганлиги ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида хабарномалар юборади;

Бюджет ташкилотлар реестрини шакллантиради ва юритади;

Бюджет ташкилотлар ҳисботларининг қабул қилиниши ва қайта ишланишини амалга оширади;

Бюджет ташкилотлар шахсий ҳисобварақлари юритилишини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб аталади) ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши лозим бўлган ва ҳақиқатда тўланган солиқлар ва йиғимлар суммалари, шу жумладан улар бўйича имтиёзлар, шунингдек, молиявий жарималар суммалари ҳисобини юритади;

Инспекция Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва йиғимлар тушуми прогнозининг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларини ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

макроиктисодий кўрсаткичлар динамикасининг тизимили таҳлили асосида солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали тадбирларни амалга оширади;

б) бюджет ташкилотлари фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилиниши бўйича солиқ назоратини ташкил этиш соҳасида:

камерал солиқ текшируви, шунингдек, бюджет ташкилоти томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончлилигини ҳамда солиқ тўловчининг ҳисботларида акс эттирилганлиги;

солиқ тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлиги аниқланган ҳолатларда қонун хужжатларида белгиланган тартибда уларни олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўради;

экспорт-импорт операциялари тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилиниши юзасидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга оширади;

кўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставка қўлланилишининг асослилиги юзасидан назоратни амалга оширади;

солиқ назоратини амалга оширишда замонавий усусларни қўллайди ҳамда ташқи ва ички манбалардан келиб тушадиган маълумотларни таҳлил қилишнинг илгор автоматлаштирилган усусларини жорий этади;

бюджет ташкилотлари фаолиятининг солиқ текширувларини белгиланган тартибда ўтказади

бюджет ташкилотларидан ёки уларнинг мансабдор шахсларидан тушунтиришлар олади, солиқ солиш обьектини сақлаш билан боғлиқ жойларни кўздан кечиради ёки текширади;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пул маблағлари ва моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини, ташкилотлар худудига моддий бойликларни олиб кириш ва у ердан олиб чиқишида ташкилотларда рухсат бериш тизими ишларининг ташкил этилиши ҳолатини текширади;

бюджет ташкилотларида солиқ аудити ўтказиш жараёнида солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлигини, назорати солиқ органлари зиммасига юклатилган қонунчилик хужжатларига риоя қилинганлигини, уларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк хужжатлари ҳамда бошқа хужжатларни, маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш йўли билан текширади;

в) Бюджет ташкилотларининг солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириш соҳасида:

бюджет ташкилотининг шахсий кабинети, шу жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон хизматлар кўрсатилишини амалга оширади;

солиқ тұғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари, шунингдек, электрон ҳисобварақ-фактураларни шакллантиришнинг ахборот тизимларини құллаш бүйича Бюджет ташкилотларига маслашат хизматлари күрсатади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар ва йиғимларнинг айрим турларини ҳисоблаб чиқаришда Бюджет ташкилотларига сервис хизматлари күрсатади;

бюджет ташкилотлари билан ишлашда ахборот-коммуникация технологиялари кенг құлланилишини таъминлайди;

солиқлар ва йиғимлар, шунингдек, молиявий жарималар бүйича бюджет ташкилотларининг ортиқча тұланган ёки ортиқча ундирилган суммаларини (ноль даражали ставкани құллаш натижасыда ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммаси бундан мустасно) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтарилиши ёки ҳисобга олинишини амалга оширади;

бюджет ташкилотларининг солиқ соҳасидаги хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини таъминлайди;

бюджет ташкилотлар тұғрисидаги маълумотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сир сақланиши бўйича ишларни ташкил қиласди;

г) бюджет ташкилотларининг маъмурологияны доирасида солиққа оид хуқуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

солиққа оид хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан, ушбу хуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини аниқлайди ва бартараф этади, шунингдек, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширадиган ва иштирок этадиган бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурний хуқуқбузарликлар бўйича ишларни юритади;

солиққа оид хуқуқбузарликлар содир этган Бюджет ташкилотлар ҳисобини юритади, ушбу маълумотларни таҳлил қиласди;

бюджет ташкилотларни мажбуриятлари юзага келганлиги (бекор бўлганлиги) тұғрисида маълумотлар тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди;

бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда Бюджет ташкилотларни молияхұжалик фаолияти юзасидан таҳлилий ўрганиш ўтказади ва ушбу ўрганиш доирасида солиққа оид хуқуқбузарликлар билан курашиш бўйича узоқ муддатли ва жорий дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

бюджет ташкилотларни солиқ солиши масалалари ва солиқ тұғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тұғрисидаги мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқади;

солиқ солишга оид меъерий-хуқуқий ҳужжатларни оммавий ахборот воситалари ва семинарлар, брифинглар, матбуот — конференциялар, «давра сұхбатлари» ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали Бюджет ташкилотларига етказиш ва таништириш бўйича ишларни амалга оширади.

Инспекциянинг хуқуқлари ва мажбуриятлари

3. Инспекция ўзига юкландын вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги хуқуқларга эга:

1) Бюджет ташкилотлардан Инспекция ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни сўраш ва олиш;

2) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бюджет ташкилотларнинг бухгалтерия ва солиқ ҳисоби ахборот тизимларидан, шунингдек, ҳисоб ҳужжатларидан фойдаланиш;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан Ҳудудлараро инспекция ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотлар, маълумотлар ва маълумотномаларни сўраш ва бепул олиш;

4) солиқ мониторингини амалга оширишда солиқ тўловчидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз муддатида тўланиши билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар, маълумотлар, тушунтиришларни талаб қилиб олиш;

5) ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш учун асос бўлувчи кузатув далолатномаларини тузган ҳолда Бюджет ташкилотлар ҳисобини юритиш;

6) белгиланган тартибда қўйидагиларни олиш:

курилиш соҳасида назорат қилувчи давлат органларидан — ер майдонлари ва обьектларни қуришга рухсат берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, жумладан, лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қурилишни яқунлаш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлардан — тегишли ҳудудда жойлашган ер майдони ёки бошқа кўчмас мулқдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотлар;

тегишли вазирлик ва идоралардан — Инспекция ваколати доирасида юкланган вазифаларни бажариши учун зарур бўлган маълумотлар ва бошқа турдаги ахборотлар;

7) ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда мансабдор шахслар ҳамда фуқароларни тушунтириш бериш учун Инспекцияга белгиланган тартибда таклиф қилиш;

8) солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида солиқлар ва йиғимларнинг ҳисоблаб чиқилган суммасини ҳисоблаб чиқариш ёки қайта кўриб чиқиш;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

солиқка оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда Бюджет ташкилотларига нисбатан молиявий жарималар қўллаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни кўриб чиқиш ҳамда маъмурий чоралар кўриш;

10) бюджет ташкилотлари томонидан ноқонуний олинган маблағларни давлат даромадига ундириш бўйича судга даъво киритиш;

11) бюджет ташкилотлари томонидан камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган тафовутларнинг асослари тақдим этилмаган тақдирда солиқлар ва йиғимларни суд тартибида ундириш;

12) Бюджет ташкилотларига уларнинг мажбуриятлари бажарилиши лозимлиги ҳамда солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш бўйича қўлланилаётган чоралар тўғрисидаги талабномани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юбориш;

13) Бюджет ташкилотлари томонидан солиқ ҳисботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун мобайнида ёзма ариза берилмаган тақдирда, солиқлар ва йиғимларнинг ортиқча тўланган суммаларини солиқ қарзини, шу жумладан, улар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига олишни амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилик қўмитасига мустақил равишда холоса тақдим этиш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган ҳолатларда чет тилида тузилган ҳужжатларнинг давлат тилига таржимасини нотариал тасдиқланган ҳолда талаб қилиш;

15) Инспекция ваколатлари доирасида масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда шартнома асосида экспертиза тайинлаш, шунингдек, солиқ назоратининг шаклларини амалга ошириш учун илмий ва бошқа ташкилотлар, мутахассислар, шу жумладан, таржимонлар ва эксперталарни жалб қилиш;

16) бюджет ташкилотларига нисбатан солиқ назоратининг шаклларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш учун Кўмита марказий аппарати таркибий тузилмаларининг ходимларини жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ҳамда ишчи гурухлар ташкил этиш;

17) назорат тадбирлари натижасида назорат обьектлари мансабдор шахслари ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда, ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш;

18) давлат солиқ хизмати органларининг тизимидағи мавжуд ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш;

19) давлат солиқ хизмати органларининг ахборот-коммуникация технологиялари маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш;

20) фойдаланиш ҳуқуқи фақат Инспекция ходимларига бериладиган локал ахборот тармоқлардан фойдаланиш, ўзининг дастурий маҳсулотлари ва ахборот тизимларини яратиш;

21) фаолиятининг асосий қўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олиб, Инспекция ходимларини Кўмита билан келишилган ҳолда моддий рағбатлантириш, индивидуал устамаларни белгилаш;

22) қонун ҳужжатларига асосан давлат солиқ хизмати органларининг ваколат доирасига кирадиган бошқа ҳуқуқларидан фойдаланиш.

Инспекция ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг Кўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари билан, шунингдек, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш зарур бўлади.

Бундан ташқари, солиқ қарзини ундириш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси тўғрисида Низомга қўйдагиларни кириш лозим бўлади.

Инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

1. Қўйдагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

солиқ қарзига йўл қўймаслик чораларини қўриш ва солиқ қарзини профилактик тадбирлар ҳисобига ундиришни кенгайтириш;

ахборот-коммуникация технологиялари воситасида солиқ қарзини мажбурий ундириш тизими тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш;

солиқ қарзини мажбурий ундириш тизимини такомиллаштириш.

солиқ қарзини ундириш, мол-мulkка тақиқ қўйиш, мол-мulkни хатлаш, мол-мulkни сақлаш ва мажбурий сотиш;

солиқ қарзини ундириш мақсадида ваколатли органлар, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш.

2. Инспекция ўзига юклangan вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

а) солиқ қарзига йўл қўймаслик чораларини қўриш ва солиқ қарзини профилактик тадбирлар ҳисобига ундиришни кенгайтириш соҳасида:

солиқ қарзи юзага келишини олдини олиш мақсадида замонавий ахборот тизимлари ва воситаларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан огоҳлантириш чораларини қўриш ва солиқ қарзини "Call" марказ ёрдамида ҳамда профилактик тадбирлар ҳисобига ундириш соҳасида:

солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш маданиятини ошириш, солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини тўғри ва изчил бажаришга қўмаклашишга қаратилган ахборот компанияларини (оммавий ахборот воситалари, Солиқ қўмитаси расмий сайти, интернет ижтимоий тармоқларида чиқишлилар, тематик рисолаларни тарқатиш, телекўрсатувлар, брифинглар, "Call" марказ операторлари

томонидан шахсий эслатма құнғироқлари, СМС-хабарнома, овозли хабар ва бошқалар) ташкил қиласы;

солиқ түловчиларга онлайн ва оффлайн режимда маслағатлар беради, ахолининг турли ёш гурухлари ўртасида маърифий тадбирлар ўтказади;

оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қиласы, уларни ўз фаолияти натижалари түғрисида хабардор қиласы, ушбу мақсадларда семинарлар, брифинглар, пресс-конференциялар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларда иштирок этади;

солиқ түловчининг шахсий кабинетига зиммасидаги солиқ қарзи ва уни күрсатылған муддатта тұлаш мажбурияты ҳақида талабнома юборади.

б) замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланған ҳолда солиқ қарзини мажбурий ундириш тизими тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш соҳасыда:

солиқ қарзи, шу жумладан түлов муддати ўзгартирилған солиқ қарзи ҳисобини ва ягона электрон базасини юритади;

идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини ташкил этади ва унинг узлуксиз ишлашини таъминлайди;

ахборот тизимларидан фойдаланған ҳолда инсон омилисиз реал вақт режимида солиқ түловчилар ва уларнинг дебиторлари, кафилининг, кафолат берган банк ёки үчинчи шахсларнинг миллий ва хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига электрон шаклда инкассо топшириқномалари қўяди ёки унинг ижросини бекор қиласы;

интеграциялашган ахборот тизимлари орқали солиқ қарзини ундириш мақсадида қарздорнинг банк ва шахсий ғазна ҳисобварақларидан сўзсиз ундиради ҳамда пул маблағларини хатлайди, улардан фойдаланишга доир чекловлар ўрнатади;

қарздор солиқ түловчиларнинг ваколатли органлар, муассаса ва ташкилотларда рўйхатга олинган мол-мулкларига инсон омилисиз “Нотариус” автоматлаштирилған ахборот тизими орқали тақиқ қўяди ёки бекор қиласы;

солиқ қарзини узиш түғрисидаги талабнома ва қарорларни электрон ҳужжат шаклида қабул қиласы;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан ўзаро муносабатлар ва ахборот алмашинувларни фақат солиқ түловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширади;

солиқ түловчиларга интерактив хизматлар кўрсатади;

зиммасига юклатылған вазифаларни тезкорлик билан ва самарали бажариш мақсадида ўз ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базасини такомиллаштириш чораларини кўради;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш, солиқ сири ва шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш чораларини кўради;

ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базасининг узлуксиз ишлашини, ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ходимлар малакасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

в) солиқ қарзини мажбурий ундириш тизимини такомиллаштириш соҳасыда:

солиқ қарзининг таркиби, динамикаси, ҳосил бўлиш сабаблари ва даври ҳамда унинг ўсиш суръатларини таҳлил қиласы;

вазирликлар ва идоралар, худудлар, соҳалар ҳамда солиқ турлари кесимида солиқ қарзи ҳисобини юритади;

белгиланған тартибда солиқ түловчига ёки унинг дебитори, гаров мулки эгаси, кафиллик берувчи ёки кафолат берган банк ёхуд үчинчи шахсларга солиқ қарзини узиш түғрисида талабнома юборади;

солиқ қарзини ундириш юзасидан қарздор солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига тақиқ қўйиш, мол-мулкини хатлаш ва мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисида электрон ҳужжат кўринишида қарорлар қабул қиласди;

белгиланган муддатларда қарздорларнинг мол-мулкларига нисбатан тақиқ қўяди;

инкассо топшириқномаларининг белгиланган муддатларда тўлиқ қўйилишини таъминлайди;

солиқ қарзи ундирувани белгиланган тартибда солиқ тўловчининг дебиторларига, кафил ёки кафолат берган банк ёхуд учинчи шахсларга қаратиш чораларини кўради;

қарздорнинг мол-мулкини хатлаш, унинг сақланишини таъминлаш ва сотиш чораларини кўради;

хатланган мол-мулкни хатлаш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобини юритади ва уни қарздор ҳисобидан ундириш юзасидан қарорлар қабул қиласди;

солиқ қарзини ундириш бўйича Мажбурий ижро бюроси, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда тегишли тадбирларни амалга оширади;

солиқ тўловчиларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга қаратилмайдиган маҳсус мақсадли ҳисобварақлар банк айланмаларини мониторинг қиласди;

солиқ қарзини ундиришда сансалорлик ва суистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш бўйича чоралар кўради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### *Инспекциянинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари*

Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳукуқларга эга:

1) солиқ тўловчиларга солиқ қарзини узиш ва солиқ қарзини ундириш юзасидан кўриладиган мажбурий ундирув чоралар тўғрисидаги талабнома юбориш, солиқ тўловчининг шахсий кабинети ва телефон рақамлари ҳамда бошқа электрон каналлари орқали хабардор қилиш;

2) қарздор ва унинг дебиторлари банк ҳисобварақларига солиқ қарзини ундириш юзасидан инкассо топшириқномалари қўйиш;

3) тўлов ва инкассо топшириқномаларининг, инспекция қарорларининг банклар ва ғазначилик томонидан ижро этилишини назорат қилиш ҳамда лозим ҳолларда белгиланган тартибда солиқ текширувлари ташкил этиш чораларини кўриш;

4) қарздор ёки унинг дебиторининг, кафилининг банк ва бошқа кредит ташкилотларидағи, ғазначиликдаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағларини хатлаш (банд солиш) ва ундириш;

5) солиқ тўловчилардан Инспекция ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни сўраш ва олиш;

6) солиқ қарзини ундириш билан боғлиқ мажбурий ундирув чораларини кўриш;

7) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан Инспекция ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотлар, маълумотлар ва маълумотномаларни сўраш ва бепул олиш;

8) банклар ва бошқа кредит ташкилотлари ҳамда ғазначиликдаги солиқ тўловчиларнинг ҳисобварақлари, омонат (депозит) ҳисобварақлари, улардаги пул маблағлари қолдиғи ва айланмалари тўғрисида маълумотлардан реал вақт режимида истисносиз фойдаланиш ва олиш;

9) қарздорнинг кўчмас мулклари, автотранспорт воситалари ва қимматли қоғозларини масоғавий хатлаш, тақиқ қўйиш, баҳолатиш ва белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқариш, уларга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳамда мажбурий

тўхтатилишини таъминлаш юзасидан қарорни ижро учун ички ишлар органларига юбориш;

10) реализациядан келиб тушган тушумлари ёки бошқа даромадлари бошқа шахсларнинг банк ҳисобварақларига келиб тушган ёхуд солиқ текшируви тўғрисида билган пайтдан эътиборан ўзининг пул маблағларини ёки бошқа мулкини ўзга шахсларга берган бўлса, солиқ тўловчининг солиқ қарзини ушбу шахслардан ундириш чораларини кўриш;

11) юридик ва жисмоний шахсларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқ қарзини мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

12) солиқ қарзи ундирувани қарздор жисмоний шахснинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратиш, қарздор томонидан таъсис этилган якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларидан инкассо топшириқномалари билан ундириш;

13) қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилотлар (шахслар)га солиқ қарзини тўлаб бериш тўғрисида мажбурий кўрсатмалар бериш ва улар томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

14) ваколат доирасида тўлов муддатини ўзгартириш ёки рад этиш, муддатидан олдин тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

15) мол-мулкларга тақиқ қўйиш, хатлаш, олиб қўйиш, сақлашга топшириш, хатланган мол-мулкни ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини қарздордан ундириш (чораларини кўриш);

16) ижро усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш;

17) сўровлар бўйича маълумотнома (кўчирма) тақдим этмаган, белгиланган муддатни бузган ҳолда ёки нотўғри маълумот тақдим этган банкларга нисбатан молиявий жарима қўллаш;

18) солиқ қарзини ундириш жараёнларида қарздор ва унинг мансабдор шахслари ёки унга алоқадор шахслар ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда, хужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш;

19) қонун хужжатларида белгиланган тартибда солиқ қарзини субсидиар тарзда ундириб олиш чораларини кўриш;

20) Солиқ қўмитасининг ахборот-коммуникация технологиялари маълумотлар базасидан фойдаланиш;

21) фойдаланиш ҳуқуқи фақат Инспекция ходимларига бериладиган локал ахборот тармоқлардан фойдаланиш, ўзининг дастурий маҳсулотлари ва ахборот тизимларини яратиш;

22) фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олиб, Инспекция ходимларини моддий рафбатлантириш, индивидуал устамаларни белгилаш;

23) қонун хужжатларига асосан давлат солиқ хизмати органларининг ваколат доирасига кирадиган бошқа ҳуқуқларидан фойдаланиш.

### **Хулоса ва таклифлар.**

“Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим. Хусусан, а) акциз солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва акциз тўланадиган хизмат кўрсатувчи корхоналар, бундан, маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соғ тушуми «д» кичик бандда кўрсатилган миқдордан ошмаган мотор мойи ва

пиво ишлаб чиқарувчилар мустаснолигини белгилаш. Бундан ташқари, товар айланмасидан қатъий назар фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар киритилиши лозим.

***Adabiyotlar/Literatura/Reference:***

Дарькина Ю.А. (2019) Особенности налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. *Interactive science*. 3 (37).

Дементьева Н.М. (1689). налоговая политика государства.  
[https://nsuem.ru/science/publications/science\\_notes/issue.php?ELEMENT\\_ID=1689](https://nsuem.ru/science/publications/science_notes/issue.php?ELEMENT_ID=1689).

Камалнев Тимур Шамильевич (2009). Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва.

Карп М.В. (2001) Налоговый менеджмент: Учебник для вузов. -М.: Юнити-дана, - 39 с.

Кенэ (1993) Избранные экономические произведения.-М.Соцэкгз. 1960; Дж.М.Кейнс Общая теория занятости, процента и денег. -М.:

Майбуров И.А. (2007) Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям; под ред. И.А.Майбурова. -М.: Юнити-Дана, -655 с.

Ситникова Ольга Владимировна (2012). Совершенствование налогообложения крупнейших консолидированных налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва.

Федоров Андрей Николаевич (2010). Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Нижний Новгород.

Юнак Алексей Алевтинович (2009). Проблемы правового регулирования налогового контроля и учета крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат юридических наук. Москва. с. 12.